



Prevention of death road accidents

Jamol PARMONOV¹

Department of Internal Affairs of Samarkand region

ARTICLE INFO

Article history:

Received May 2023

Received in revised form

15 June 2023

Accepted 25 June 2023

Available online

15 July 2023

ABSTRACT

The article describes the concept of prevention of fatal road accidents and the features of its improvement.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss5/S-pp326-332>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Keywords:

public places,

prevention,

prevention and legal

framework.

Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

жамоат жойлари,

олдини олиш,

профилактика ва ҳуқуқий

асос.

Мақолада ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш тушунчаси ва уни такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Предотвращение дорожно-транспортных происшествий со смертельным исходом

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

общественны места,

предотвращение,

профилактика и правовая

база.

В статье описывается концепция предупреждения дорожно-транспортных происшествий со смертельным исходом и особенности ее совершенствования.

¹ Employee, Department of Internal Affairs of Samarkand region.

Мамлакатимизда аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш билан бир қаторда жамоат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда ушбу йўналишдаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Худудларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, одам ўлими билан боғлиқ ва пиёдалар иштирокидаги оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ўлимга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳали ҳам юқори бўлиб, автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, “биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда аввало бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бугун дунёда ва минтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бу масаланинг қандай беқиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз” [1].

Жумладан, йўл инфратузилмасини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги қоидабузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган самарали тизимни йўлга қўйиш, шунингдек, инсон омилини истисно қилувчи рақамли технологияларни кенг жорий этиш талаб этилмоқда.

Бугунги кунда 2022–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига [2] мувофиқ, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳар қандай ҳодисалардан қафолатли ҳимоя қилиш мақсадида:

Қуйидагилар мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари этиб белгиланди:

– автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг “пиёда – жамоат транспорти – велотранспорт – автотранспорт” устуворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш;

– ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига инновацион педагогик технологияларни жорий қилган ҳолда, ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;

– ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш;

– йўл ҳаракати қоидалари асосларини болалиқдан сингдиришни йўлга қўйиш, ушбу амалиётни мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий этиш;

– йўл ҳаракатини ташкил этишни тўлиқ рақамлаштириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда, янги бошқарув ва назорат тизимларини татбиқ қилиш.

Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги янги давр, 2021 йилнинг 12 февralида Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган мажлисида берилган топшириқлари асосида бошланди. Айнан мана шу илк бор ўтказилган Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида янги саҳифани очди.

Ушбу босқичдаги ислоҳотларда “Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини аниқ белгилаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш, замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” устувор вазифалар сифатида белгиланган. Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги [3] ПФ–6196-сон (26.03.2021.) фармони қабул қилинди. Фармонга биноан ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари белгиланди. Хусусан, ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Унга мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш белгиланди: *биринчидан*, патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация хизматлари бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши бўйича янги механизмларни белгилаш; *иккинчидан*, Миллий гвардия бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш тизимидаги ваколатлари ва шахсий жавобгарлигини белгилаш; *учинчидан*, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмларини жорий этган ҳолда пробация бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш.

Мазкур Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида[4]”ги ПФ–27-сон (2021 йил 29 ноябрь) фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган: “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”, “2022–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” тасдиқланди.

Миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат – “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”да, жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ асосий тушунчалар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, концепцияни амалга ошириш механизмлари ва уни амалга оширишдан кутилаётган натижалар каби масалалар белгиланди.

Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳақида фикр юритишдан олдин мавзуга оид йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида фикр юритишдан олдин мавзуга оид “**йўл-транспорт ҳодисаси**” сўзининг тушунчасига тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса.

Ўлим билан боғлиқ ҳолда йўл-транспорт ҳодисасини содир этганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “*Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш*” деб номланган 266-моддаси 2 ва 3-қисмида жавобгарлик белгиланган [5].

Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларнинг асосий объекти *жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби* ҳисобланади. Шу билан бирга, айбдор шахс мазкур жиноятларни содир этишда, деярли барча ҳолларда, инсон ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар каби қонун билан қўриқладиган бошқа объектларга ҳам тажовуз қилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси асосан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, яъни транспорт воситасини бошқариш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмаслик (*масалан, белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириш, йўл белгиларига риоя қилмаслик, ҳаракатланишнинг қарама-қарши томонига чиқиб кетиш ва шу кабиларда*) орқали келиб чиқади.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш эса, транспорт воситаларидан фойдаланиш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (*масалан, ногабарит юкларни ёки йўловчиларни бунга мўлжалланмаган транспорт воситасида ташиш, транспорт воситаси бошқарувини шу воситани бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга топшириш ва шу кабиларда*) ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасида назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёки бошқа қоидалар бузилиши хусусиятидан қатъи назар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган, деб эътироф этилади, чунки бунда айбдор ҳайдовчилар барча ҳолларда транспорт воситасини ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик билан бошқаради.

Жиноят кодекси 266-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти сифатида транспорт воситасини бошқарган:

- ҳайдовчилик гувоҳномасига эга;
- йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган;

– тегишли турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган;

– транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган;

– қўш бошқарувли ўқув (машқ) транспорт воситасида транспортни бошқаришни ўргатаётган шахс топилиши мумкин.

Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида, Корея тажрибаси асосида мактаб ёнидан ўтган йўлнинг 300 метр масофасида транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигининг юқори чегарасини 30 км/соат этиб белгиланган. Бундан ташқари, мактабларга ўқувчиларнинг келиб-кетишлари учун махсус автобуслар ҳаракатини босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда.

Ҳар бир маҳаллада йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш юзасидан тушунтириш-тарғибот ишлари йўлга қўйилади. Бунда, Норвегия, Германия, Нидерландия давлатлари каби жамоат транспорти ва велосипедлардан кўпроқ фойдаланишни аҳолига тушунтиришга эътибор қаратилмоқда. Албатта, бунинг учун жамоат транспорти имижини кўтариш, велойўлаклар ташкил этиш, йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳокимликлар, Автомобиль йўллари қўмитаси, Транспорт вазирлиги билан бирга маҳаллаларда ҳозирги кунда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалар ўзининг хусусияти ва юзага келиш механизмига кўра жуда хилма-хилдир. Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларни ҳисобга олиш ва таҳлил этиш учун уларнинг хусусиятига қараб, қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

✓ турган транспорт воситасига урилиш;

✓ тўсиқларга урилиш;

✓ пиёдаларни босиб кетиш;

✓ велосипедчини босиб (уриб) кетиш ва бошқа йўл-транспорт ҳодисаларидир.

Пиёдаларни босиб (уриб) кетиш қаторига транспорт воситаси одамга бориб урилган ёки унинг ўзи ҳаракатланаётган транспорт воситасига бориб урилган (югуриб келиб урилган) ҳоллардаги йўл-транспорт ҳодисалари киради.

Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг маълум қисмига **велосипедчиларни уриб юбориш** ташкил этади.

Велосипедчини босиб (уриб) кетиш жумласига транспорт воситаси велосипедчига бориб урилган ёки унинг ўзи ҳаракатланаётган транспорт воситасига бориб урилгандаги йўл-транспорт ҳодисалари киради.

Юқоридаги келтирилган кенг имкониятлардан келиб чиқиб, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор берилиши лозим деб ўйлаймиз

Халқаро аҳамиятга эга М-39 автомобиль йўлининг Жиззах вилояти ҳудудига тўғри келувчи қисмида транспорт воситалари қайрилиб олишига мўлжалланган йўл усти қайрилиб олиш жойларини ташкил этиш, шовқин чизиқларини кўпайтириш, шунингдек йўлнинг ушбу қисмида ҳар 20 км.да ҳайдовчилардаги ухлаб қолиш ва чарчоқни бартараф этишга хизмат қилувчи ҳордиқни чиқариш маскани ва стационар тез тиббий ёрдам пунктини ташкил этиш.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 16-мақсади доирасида “йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни

бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш” [6] бўйича бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Шундай муҳим вазифалардан бири халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўлларининг инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларда хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига “Авария ўчоғи” тушунчаси ва “Диққат авария ўчоғи!” йўл белгисини киритиш орқали шундай ҳудудларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишни кучайтириш ва ҳайдовчиларнинг ҳушёрлигини ошириш.

Сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш масалалари ваколатли давлат органларини, кенг жамоатчилик вакилларини, умуман олганда жамиятни ўйлантириб келаётган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада, айниқса, соҳага кириб келаётган янгиликларнинг қонуний асосларини яратиш ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш масалалари асосий масалалардан биридир.

Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолиятида кенг қўлланилаётган иборалардан бири “Авария ўчоғи” ҳисобланса-да, амалда мазкур тушунчанинг ҳуқуқий таърифи бирон бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгилаб берилмаган. Бу эса, амалиётда мутахассислар томонидан ушбу иборани турлича талқин этиш ва ундан турлича мазмунда фойдаланишни келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли, амалиётдаги турлича ёндашувларни бартараф этиш учун йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларига “Авария ўчоғи” тушунчаси ва “Диққат авария ўчоғи!” йўл белгисини киритиш ҳамда бу орқали шундай ҳудудларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишни кучайтириш ва ҳайдовчиларнинг ҳушёрлигини оширишга эришиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда “Авария ўчоғи” тушунчасини “йўлнинг бир йилда 3 ва ундан ортиқ марта йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бир километрлик қисми” таҳририда баён этиш таклиф этилади.

Хулоса ўрнида айни пайтда, мамлакатимизда ҳудудида ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қамровли тезкор-профилактик, огоҳлантирув ва тушунтириш тарғибот ишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда давом эттирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Ш.Мирзиёев, Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи / [Электрон манба]. – URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4596>.

2. <https://lex.uz/docs/6411327>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон (26.03.2021.) Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2021. – № 06/21/6196/0240.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон (29.11.2021.) Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2021. – № 06/21/27/1116.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL:<http://www.lex.uz>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон (2022 йил 28 январь) фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.